



Ўзбекистон ва Туркия:
**КЕНГ ҚАМРОВЛИ
СТРАТЕГИК
ШЕРИКЛИК ЯНАДА
РИВОЖЛАНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифига биноан 29 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған раислигида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Қўшма баёнот ҳамда Кенг қамровли стратегик шериклик доирасидаги ҳамкорлик механизмлари тўғрисидаги қарорни имзоладилар.

Бундан ташқари, кўп қиррали шерикликнинг турли йўналишларини қамраб олувчи икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Анкара шаҳрига расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Ҳатай вилоятида мамлакатимиз томонидан барпо этилган «Ўзбекистон» тураржой мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Шунингдек, Президентлар Истанбулнинг Бекиркёй туманида ўзбек мактаби қурилишини бошлаб бердилар. Мазкур даргоҳ Ўзбекистоннинг хориждаги биринчи таълим муассасаси бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг Туркия
Республикасида расмий
ташриф тафсилотлари билан
батафсил танишиш учун ушбу
QR кодни сканер қилинг:



ДАВРГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 27 январь куни ҳуқуқ-тартибот масалаларига бағишлаб ўтказган йиғилишидаги фикрлари ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларида қизгин муҳокама қилинмоқда. Унда асосан ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш масалалари муҳокама этилган бўлса-да, жамиятни янгилаш, Янги Ўзбекистон муҳитини шакллантириш жамиятимиздаги ҳар бир сиёсий куч ва фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Тўғри, кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижа-сида ички ишлар тизими анча ўзгарди. Муҳими, соҳа малакали му-тахассислар билан тўлдириляпти. Бу тизим фаолияти маҳаллаларга етиб борди. Лекин глобаллашув жараёни, дунёдаги нотинчлик боис тизим фао-лияти бундан-да яхшироқ ишлашини давр тақозо этмоқда.

Йиғилишда ички ишлар органла-рида давлат харидларида йўл қўйил-ган ўзлаштиришлар, тергов жараёни-даги ҳатолар, аҳоли билан ишлашдаги масъулиятсизликлар жиддий таҳлил қилинди. Хусусан, сўнгги йилларда дав-лат бошқаруви органларида очкилик ва шаффоқлик сиёсати ўз натижасини бе-раётгани, лекин бу жараён ҳуқуқ-тар-тибот идоралари ишига секин кириб келаётгани, уларнинг фаолияти ташқа-ридан холис ўрганилмаётгани қайд этилди. Ушбу идораларнинг ёпиқлиги уларнинг ўзларига ҳам, жамоатчиликка ҳам фойда келтирмаслиги, соҳада жи-дий ўзгариш ва ривожланиш бўлмас-лиги айтилди. Дарҳақиқат, жамоатчи-лик, айниқса, оммавий ахборот воси-талари ҳодимлари томонидан у ёки бу жиноят ҳақида маълумот олиш, уни таҳлил этиш, жамиятни қайсибир маъ-нода огоҳлантириш гўёки уларнинг ишларини бекорга чиқаришга ури-нишдай қабул қилинади.

Айниқса, терговдаги адолатсизлик-лар ҳар қандай кишининг ҳам давлат сиёсатига бўлган ишончини сўнди-риши таъкидланди. Зеро, жабрланувчи ёки ожиз инсон ҳаётига эътиборсизлик уни жамиятдан ажратиб қўяди.

Йиғилишда ҳуқуқ-тартибот, адлия, давлат идоралари, маҳалла жамоат-

чилиги шаънига айтилган танқидий фикрлар тўла асосга эга. Чунки давлат раҳбарининг ташаббуси билан 7-8 йил ичида ҳар бир инсонни эътибор би-лан қуршаб олиш тизими яратилди. Болалар боғчалари ва мактаблар-нинг кўпайиши, иш ҳақининг ошири-лиши, тиббиёт тизимида сугурталаш фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳар бир фуқаронинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига хизмат қилади. Навбат-даги мақсад айнан ана шу тизимнинг бутунги талаб даражасида фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат.

Инсон қаҳатчиликка чидаши мум-кин, аммо адолатсизликка тоқат қилол-майди. Бундан ташқари, тобора ўзгариб бораётган замон фарзандларимизни, энг аввало, ўзимизни ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга чорлайди. Бунинг учун эса ҳар бир юрtdошимизда ўз тақди-рига масъулият, эртасига ишонч туй-ғусини шакллантириш зарур. Ана шун-дай қилинса, ҳар қандай ҳолатда ҳам киши ўзлигини унутмайди.

Яқинда ижтимоий тармоқларда та-ниқли ёзувчи Чингиз Айтматов шаъ-нига ножоиз бир ахборот тарқалди. Ёвуз ниятли кишилардан бири кирғи-зистонлик, аслида эса, халқаро миқёсдаги буюқ адибни худосизликда айблайпти. Ваҳоланки, Чингиз оға бу-тун онгли умри давомида ўз ижоди билан инсониятни қомилликка, маъ-рифатга, муҳаббатга чорлаб ўтди. Та-биийки, ана шундай нохуш ҳолатлар бизнинг жамиятда ҳам гоҳ-гоҳ бўл-са-да, учраб турибди. Умуман, бундай радикал муносабатлар эл таниган ин-сонларга, миллатнинг улугъ зиёлила-рига нисбатан пухта ўйланган ҳолда амалга оширилаётгани сир эмас.

Айниқса, хорижга кетган юртдош-ларимизнинг айримлари иродаси бўшлигидан ўша минтақалардаги турли номақбул гуруҳлар таъсирига тушиб қолмоқдалар. Шу боис давла-тимиз раҳбари ўз нутқида «қайтарув гуруҳлари» ниҳоятда зарур эканини таъкидлади.

Албатта, инсон ҳаёти давомида ха-толарга йўл қўяди, адашади. Ана шун-дай пайтда тегишли идоралар бундай шахсларни тўғри йўлга солиш чорала-рини кўришлари зарур. Чунки ёшлар онгини заҳарлаётган гоёлар таъси-рига тушганларнинг муаммоларини фақат жазо ёки тақиб билан ҳал қилиб бўлмайди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари «қайтарув гуруҳлари»га Ўзе-бкстон халқаро исломшунослик ака-

Селектор йиғи-лишида яна бир долзарб муаммо – коррупция ва унга қарши кураш ма-саласига алоҳида эътибор қаратилди. Президент солиқ хизматидagi ке-чирилмас ҳолат-ларни, камчиликларни мисоллар билан таҳлил қилди. Жумладан, со-лиқ тўловчилар ва солиққа торти-лиши керак бўлган ишбилармонлар билан мулоқотлар номигагина ўтка-зилади. Касса аппарати ишламасли-гига кўз юмилди. Бундан ташқари, бюджет маблағларини ўзлаштириш ҳолатларига қарши кескин курашил-маяпти, улардан кўз юмилляпти. Бу эса, ўз навбатида, одамларнинг солиқ тўлашдаги адолатсизликдан норизо бўлишига олиб келяпти.

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Рейтинг

ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ИШОНЧНИ ҚАНЧАЛИК ОҚЛАЯПТИ?



Nazorat qiluvchi organlarning tadbirkorlik subyektlarida davlat nazorati sohasidagi faoliyatini reyting baholash natijalari

BALL	YAXSHI	BALL	QONIQARLI	BALL	QONIQARSIZ		
95	Hisob palatasi	75	Davlat asillik darajasi nazorati inspeksiya	30	O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi	20	Axborotlashitirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat inspeksiya
90	O'zaxiv agentligi	70	Turizm qo'mitasi	25	Davlat maliyaviy nazorat inspeksiya	20	Tag'-kon sanoati va geologiya sohasini nazorat qilish inspeksiya
85	Davlat zaxiralarni boshqarish qo'mitasi	70	Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti	25	Favqulodda vaziyatlar vazirligi	20	Elektr energiya, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiya
85	Kinematografiya agentligi	70	Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi	25	Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiya	15	Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi
85	Fuqaro aviatsiya agentligi	70	Bojxona qo'mitasi	25	Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasi	15	Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi
85	O'zbekkonsert davlat muassasi	65	Markaziy bank	20	Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi qo'mitasi	15	Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi
85	Narkotiklar va o'qotar qurollari nazorat qilish agentligi	65	Sog'liqni saqlash vazirligi	20	Sanitariya-epidemiologik osoyishlik va jamoat salomatligi qo'mitasi	15	Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiya
		65	Istiqlolli loyihalar milliy agentligi	20	O'simliklar karantini va himoyasi agentligi	15	Suv xo'jaligi obyektlari xavfsizligini va suvdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiya
		60	Qishloq xo'jaligi vazirligi	20	Transport nazorati inspeksiya	15	Farmasevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi davlat muassasi
		60	Ichki ishlar vazirligi	20	Adliya vazirligi	15	Kadastr agentligi
				20	Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo'mitasi	15	Alkohol va tamaki bozorini tartibga solish inspeksiya
				20	Din ishlari bo'yicha qo'mita	10	Madoniy meros agentligi
				20	Raqabati rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi	5	Soliq qo'mitasi
				20	Migratsiya agentligi		

Mazkur reyting O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchi himoya qilish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Farmoni talabari asosida ishlab chiqilgan va Jamoatchilik kengashi tomonidan tasdiqlangan mezonlar asosida tayyorlangan.

Nazorat organi tomonidan tadbirkorlik sohasidagi tekshiruvlarning samaradorligi quyidagi toifalarga ajratiladi

“YAXSHI”

80 ballidan 100 ballgacha

“QONIQARLI”

55 ballidan 80 ballgacha

“QONIQARSIZ”

55 ballidan past

Mazkur reyting O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni talablari asosida ishlab chiqilgan va jamoatchilik kengashi tomonidan tasdiqlangan mezonlar asosida tayyorlangan.

Nazorat organi tomonidan tadbirkorlik sohasidagi tekshiruvlarning samaradorligi quyidagi talablarga ajratiladi		
	“YAXSHI”	80 ballidan 100 ballgacha
	“QONIQARLI”	55 ballidan 80 ballgacha
	“QONIQARSIZ”	55 ballidan past

Tadbirkorlik subʼyektlarida davlat nazoratini amalga oshiruvchi organlar faoliyatining reyting baholash natija-lari eʼlon qilinadi.

Mazkur reytingga kўra, Adliya (20 ball), Maktabgacha va maktab taʼlimi (15 ball), Qurilish va uy-joy kommunal xў-jaligi (15 ball), Kambagʻallikni qisqartirish va bandidlik (15 ball) vazirliklari hamda Soliқ kўmitasi (5 ball) eng

past bahoni olib, «Qoniqarsiz», deb topilgan davlat tashki-lotlari rўyxatidan joy olgan.

Mazkur reyting Ўзбекистон Республикаси Президе-нтнинг ПФ-184-сонли Фармони талаblari asosida ishlab chiqilgan va Tadbirkorlikni qўllab-quvvatlash jamoatchi-lik kengashi tomonidan tasdiqlangan mezonlar asosida shakllantirilgan.

Депутат мулоҳазаси

«Бундай ҳолларга чек қўйиш пайти келди ва бунинг имконияти ҳам бор», деди Президент. Биноба-рин, комплаенс тизими йўлга қўйил-гани натижасида бюджет маблағлари айланмасини назорат қилиш тизими кучайди. Шу ўринда давлат раҳбари бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун жа-моатчилик, хусусан, маҳаллий кен-гашлар депутатлари фаоллиги зарур-лигини таъкидлади. Солиқ хизмати-даги, давлат активларини бошқариш соҳасидаги масъулиятсизлик ва кор-рупция фаолият учун бу тизим-лардаги раҳбарларнинг ишдан оли-ниши ва адолатнинг қарор топиши ижтимоий муҳитни яхшилаш бора-сидаги катта ҳаракатнинг бошла-нишидир. Ҳар бир соҳа раҳбари ке-чаги йиғилишдан сабоқ олиши, хо-лоса чиқариб, ўз ти-зимида ишни оқи-лона йўлга қўйиши, аҳоли мурожаат-лари билан жиддий-роқ ишлаши, мав-жуд камчиликларни бартираф этишга киришиши зарур.

Ўзбекистон халқаро майдонда катта нуфузга эга. Иқтисодийетимизда ҳам кўзга кўри-нарли ютуқлар бор. Лекин бутунги жа-раёнлар ҳар бир фуқаронинг ўз Вагани тақдири учун жонқуярлик кўрсатишини тақозо эт-моқда. Бу жонқуярлик аслида зи-лимга интилиш, касбни мукаммал эгаллаш, аждоқлар шаънини улугълаш, жамиятга фойда келтириш хислат-лари билан боғлиқ.

Ўзбекистон халқаро майдонда катта нуфузга эга. Иқтисодийетимизда ҳам кўзга кўри-нарли ютуқлар бор. Лекин бутунги жа-раёнлар ҳар бир фуқаронинг ўз Вагани тақдири учун жонқуярлик кўрсатишини тақозо эт-моқда. Бу жонқуярлик аслида зи-лимга интилиш, касбни мукаммал эгаллаш, аждоқлар шаънини улугълаш, жамиятга фойда келтириш хислат-лари билан боғлиқ.

Ўзбекистон халқаро майдонда катта нуфузга эга. Иқтисодийетимизда ҳам кўзга кўри-нарли ютуқлар бор. Лекин бутунги жа-раёнлар ҳар бир фуқаронинг ўз Вагани тақдири учун жонқуярлик кўрсатишини тақозо эт-моқда. Бу жонқуярлик аслида зи-лимга интилиш, касбни мукаммал эгаллаш, аждоқлар шаънини улугълаш, жамиятга фойда келтириш хислат-лари билан боғлиқ.

Ўзбекистон халқаро майдонда катта нуфузга эга. Иқтисодийетимизда ҳам кўзга кўри-нарли ютуқлар бор. Лекин бутунги жа-раёнлар ҳар бир фуқаронинг ўз Вагани тақдири учун жонқуярлик кўрсатишини тақозо эт-моқда. Бу жонқуярлик аслида зи-лимга интилиш, касбни мукаммал эгаллаш, аждоқлар шаънини улугълаш, жамиятга фойда келтириш хислат-лари билан боғлиқ.

Фармон ТОШЕВ,
халқ депутатлари Самарқанд
вилояти Кенгаши депутати,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

2026-yil,
31-yanvar,
shanba
№15
(5235)



ЎЗБЕКИСТОН
СТРАТЕГИЯСИ | 2030

ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН МУКАММАЛ ДАСТУР ЗАРУР

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси яқин келажақда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Жумладан, унда «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини мукаммаллаштириш таклифи билдирилди.

Айни кунларда респуб-ликамининг барча ҳу-дудларида Мурожаат-номада билдирилган ҳаётий мулоҳазалар чуқур ўрганил-моқда. Шу маънода, мен Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси си-фатида Жиззах вилоятидаги табиатни асрашга оид бир неча долзарб масалаларга эътибор қаратишни жоиз, деб биламан.

Кейинги йилларда вило-ятда «Яшил макон» умуммил-лий лойиҳаси асосида экила-ётган дарактларнинг муайян қисмини игна барглилар таш-кил этмоқда. Уларнинг нархи баландлиги, кўп парвариш талаб қилиши, қолаверса, ви-лоят иқлимига мос эмаслиги кучайди. Шу ўринда давлат раҳбари бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун жа-моатчилик, хусусан, маҳаллий кен-гашлар депутатлари фаоллиги зарур-лигини таъкидлади. Солиқ хизмати-даги, давлат активларини бошқариш соҳасидаги масъулиятсизлик ва кор-рупция фаолият учун бу тизим-лардаги раҳбарларнинг ишдан оли-ниши ва адолатнинг қарор топиши ижтимоий муҳитни яхшилаш бора-сидаги катта ҳаракатнинг бошла-нишидир. Ҳар бир соҳа раҳбари ке-чаги йиғилишдан сабоқ олиши, хо-лоса чиқариб, ўз ти-зимида ишни оқи-лона йўлга қўйиши, аҳоли мурожаат-лари билан жиддий-роқ ишлаши, мав-жуд камчиликларни бартираф этишга киришиши зарур.

Экилган ниҳолларнинг яна бир қисми қаровсизлик-дан нобуд бўлаётир. Да-рахтзорларни парваришлаш учун ишчи-ларни ёллаш, уларга кўкаламзорлашти-риш натижаларига кўра ҳақ тўлаш ҳамда томчилатиб сўро-риш технологиясини кенг жо-ри қилиш ушбу масаланинг ечими бўлиши мумкин. Ўрмон ҳўжаликларида ҳам даракт-ларни шу йўл билан кўпайти-риш самарали натижа беради.

Дала майдонлари атрофига эса ихота дарактлари экиш ло-зим. Бу зах ва шўрни қочириниш, ер эрозияси ҳамда чанг кўтари-лишининг олдини олишга хиз-мат қилади. Кўп қаватли уйлар тевааридаги ер майдонлари-нинг 30 фоизини кўкаламзор-лаштириш белгилангани ҳолда мазкур кўрсаткич 5-10 фоизни ташкил қилаётир. Демак, ушбу йўналишдаги талаблар ижро-сини қатъий назоратга олиш даркор.

Шунингдек, бутун дунёда ҳарорат кўтарилаётгани ту-файли дарактларга зарар ет-казувчи ҳашаротлар кескин кўпаймоқда. Аммо уларга қарши деярли курашилма-япти. Маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағ миқ-дорини ошириш йўли билан

ушбу тизимни кучайтириш ке-рак.

Бундан ташқари, ташки-лот ва корхоналардаги бўш ер майдонларида «яшил бел-боғ»ларни юзага келтириш шарт қилиб белгиланиши ло-зим. Атмосферани қайсидир даражада булғаш иҳтимоли бўлган барча корхоналарга ҳаво таркибини аниқловчи фан мониторинг станцияла-рини ўрнатиш ва табиатни муҳофаза қилувчи идораларга интеграция қилиш жараёнини жадаллаштириш зарур.

Экологларни ҳаво тарки-бини аниқловчи кўчма лабо-раториялар билан таъминлаш эса ишлаб чиқариш корхона-ларидан зарарли моддалар ажралишини чеклаш имкони-ятларини кенгайтиради. Ви-тудфайли аксарияти қуриб қолмоқда. Шу боис бу тажри-нончи, эҳтиёж энг камида 175 та бўлгани ҳолда махсус транспортлар сони 155 тани ташкил қил-моқда. Улардан аксариятининг фойдаланиш муддати туга-ган, бир неч-таси эса носоз ҳолатда.

Соҳада рақо-бат муҳитини юзага келти-риш ҳамда мах-сус транспорт-лар сотиб олиш учун имтиёзли

лизинглар ҳажминин ошириш муаммони ижобий ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Яна бир масалага тўхталадиган бўл-са, электр таъминотидаги узилтишлар Жиззах шаҳрининг «Зилов» маҳалласидаги метео-рологик станцияга тегишли, қиймати 3,5 миллиард сўмлик ҳаво тозаллигини аниқловчи «Норига» қурилмасини ишдан чиқариш хавфини пайдо қил-моқда.

Менимча, юқорида қайд этилган масалаларнинг ай-римлари юртимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам дахлдир. Шу маънода, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг табиат муҳо-фазасига оид қисмини янада мукаммаллаштирсак, кейинги 5 йилда бу борада белгилана-ётган вазифаларни самарали ижро этсак, экологик муаммо-лар бизни камроқ безовта қи-лади.

Нусуратгулло ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон касба
уюшмалари Федерациясининг
Жиззах вилояти кенгаши
раиси, сенатор

www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



МУНОСАБАТ ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ?

Рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект ва «яшил» тараққиёт жадаллашгани сайин меҳнат муносабатларидаги камчиликлар ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Сўнгги беш йилда касаб уюшмалари томонидан турли корхона ва ташкилотларда 152 мингга яқин меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқлангани ва уч йилда 48 мингдан зиёд меҳнат низолари судлар орқали ҳал этилгани муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида ҳали анча тер тўкиш зарурлигини англатади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириги Давлат меҳнат инспекциясининг 2025 йил якуни бўйича эълон қилган маълумотларига кўра, ўтган йили мамлакатимизда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 849 та бахтсиз ҳодиса қайд этилган. Уларнинг 216 таси ўлим билан ниҳояланган. 583 таси оғир оқибатли, 50 таси гуруҳий ҳолат дея таснифланган бахтсиз ҳодисалар оқибатида 1922 нафар шахс жиддий жароҳатланиб, 248 оила ўз боқувчидан айрилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидаларига риоя этмаслик асосан қурилиш соҳасида кузатишмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган қурилиш корхоналарининг аттиги уч фоизидagina техника хавфсизлиги бўйича муҳандис мавжуд. Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш тўғрисидаги таклифини ўнлаб қурилиш ташкилотлари очикдан-очиқ рад этиб келмоқда.

САМАРҚАНДДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?
Ишчи-ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида саъй-ҳаракатлар бор, аммо натижа ҳали кўнгилдагидек эмас. Бу иш



вақтидаги жароҳатланишлар кўламида яққол кўзга ташланыпти. Афсуски, вилоятда аввалги йиллардаги «анъана» сақланиб қолаётир. Масалан, бултур ҳам 53 та бахтсиз ҳодиса содир этилган. Энг ачинарлиси, хавфсизлик талаблари бузилиши оқибатида рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг 31 таси касаб уюшмаларига аъзо бўлмаган ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

– Касаба уюшмаларига аъзо ташкилотларда эса меҳнат жараёнида жабрланиш билан боғлиқ 12 та ҳолат қайд этилди, – дейди Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Ориф Мизомов. – Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бахтсиз ҳодисалар асосан темир йўл, энергетика, нефть-газ, геология ва қурилиш соҳаларида кузатишмоқда. Касаба уюшмалари қошидаги «Касаба зиё» ўқув маркази томонидан айнан шу йўналишда ўқув курслари ташкил этилаётган бўлса-да, юқорида қайд этилган тузилмалар мутасаддилари бу ташаббусга ҳамон етарли даражада қизиқиш билдиришмаяпти.

Вазиятни чуқурроқ ўргансангиз, оддий эҳтиётсизликнинг бадали қанчалик оғир эканини ҳис қиласиз. Масалан, ўтган йил апрель ойида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли Бухоро вагон депосининг Зиёвуддин вагонларни таъмирлаш маскани ишчиси хизмат вазифасини бажараётган пайтда поезд уриб юбориши оқибатида вафот этди. Август ва ноябрь ойларида ҳам темир йўл тизимидаги махсус механизациялашган станция ҳайдовчилари Адҳам Эгамов ва Обид Холмирозев меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилмаганликлари оқибатида бири оғир жароҳат олди, иккинчиси эса ҳаётдан кўз юмди.

Шунингдек, Пастдарғом ва Оқдара туманлари электр таъминоти корхоналари ходимлари Абубакир Абдувалиев ва Ҳотамхон Бобохонов, «Ўзбекгеологияқидирув» АЖ Самарқанд марказий геология қидирув экспедицияси монтери Исомиддин Ҳайитовлар ҳам хавфсизлик қоидаларига беписандлик туфайли жабр қўришди. Агар уларнинг малакаси ўз вақтида оширилиб, эҳтиёт чоралари бўйича зарур кўрсатмалар берилганида, бундай йўқотишларнинг олдини олиш мумкин эди.

Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.
Алишер Навоий

Долзарб мавзу

Зеро, меҳнат муҳофазасининг оддий тартибини бузиш тузатиб бўлмас фожияларга сабаб бўлмоқда.

МЕХНАТ ЖАБҲАСИДА СТРАТЕГИК ҚАДАМ

– Бугун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида тарихий қадамлар ташланмоқда, – дейди Ориф Мизомов. – Мамлакатимиз Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда 2030 йилгача мўлжалланган Муносиб меҳнат дастурини ишлаб чиқмоқда. Бу дастур иқтисодий-ижтимоий адолатни таъминлайдиган стратегик «йўл харитаси»дир. Инклюзивлик тамойиллари асосида адолатли ва хавфсиз иш шaroитини яратиш ҳар бир мутасаддидан алоҳида масъулият талаб этади. Ҳозир хавфсизлик ва кафолатланган иш ўринлари тушунчасини ҳар бир ходим ва иш берувчи онгига сингдириш устида ишляпмиз. Бу йўналишда қатор ҳамкор ташкилотлар ҳам жалб этиляпти. Хусусан, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш университети ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Самарқанддаги олий ўқув юртлари орасида биргина шу университетда «Меҳнат муҳофазаси ва саломатлик муҳандислиги» кафедраси фаолият юритмоқда. Бу ерда муносиб меҳнат муҳофазаси тамойиллари бўйича илмий ишлар қилинмоқда. Ўзaro келишувга мувофиқ, эндиликда ҳамкорликда меҳнат муҳофазасига доир семинарлар, давра суҳбатлари ва тренинглр ўтказилади. Олимлар томонидан соҳага оид янги ўқиш дастурлари ишлаб чиқилиб, корхона ва ташкилотлар учун хавфсизлик талабларини тарғиб қилувчи кўргазмали воситалар тайёрлашга қўмаклашилади.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Анжуман

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан тармоқ касаб уюшмалари туман-шаҳар кенгашлари ҳамда йирик бошланғич касаб уюшмаси ташкилотлари раислари билимларини ошириб бoришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда йил бошидан эътиборан ўқув-семинарлар ташкил этила бошланди.

«ЎҚУВЛАРДАН КЎП НАРСАЛАРНИ ЎРГАНДИК»

Тошкент вилоятидаги «Заркент» санаторийсида ташкил этилган ўқув-семинар ҳам касаб уюшмаси ташкилотлари раислари учун фойдали бўлди. Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда «Жамоавий музокараларни ташкил қилиш тўғрисида»ги, «Ижтимоий меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги, «Жамоа шартномаси лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Жамоа шартномасини экспертизадан ўтказиш ва ижросини назорат қилиш тўғрисида»ги мавзулар бўйича тақдимотлар қилишди. Шунингдек, «Йўлланмалардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги, «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида»ги тақдимномани қўриб чиқиш тўғрисида»ги, «Муддатидан олдин сайловни ташкил қилиш тўғрисида»ги, «Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ҳамда «Маданий, маърифий ва спорт ишларини самарали ташкил қилиш тўғрисида»ги мавзулар бўйича ҳам машғулотлар ўтказилиб, иштирок-

чиларга батафсил маълумотлар берилди.

Ўқув жараёнлари давомида «Билимлар баҳси» интеллектуал ўйини ўтказилиб, машғулотларда олинган билимлар янада мустаҳкамланди.

– Интерфаол усуллар, юзма-юз мулоқотлар, эркин фикрлар асосида ташкил этилган ўқувлардан кўп нарсаларни ўргандик. Бундан ташқари, бошқа ҳудудлардаги ҳамкасбларимиз билан танишиб, фикр алмашдик, – дейди Фурқат туманидаги 31-умумтаълим мактаби касаб уюшмаси қўмитаси раиси Ферузахон Вахобова.

Кенгаш томонидан касаб уюшмаси ташкилотлари фаолларининг билимларини янада ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида махсус ишлаб чиқилган «Касаба Малака онлайн» платформи ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида»ги тақдимномани қўриб чиқиш тўғрисида»ги, «Муддатидан олдин сайловни ташкил қилиш тўғрисида»ги, «Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ҳамда «Маданий, маърифий ва спорт ишларини самарали ташкил қилиш тўғрисида»ги мавзулар бўйича ҳам машғулотлар ўтказилиб, иштирок-

чилар учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Айниқса, иш фаолиятида кўп учрайдиган масалалар бўйича маърузачилардан кўплаб маълумотлар олишди.

Жамшид ЭРГАШЕВ

«ISHONCH»

Жамоатчилик назорати

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириги ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмасининг Қорақалпоғистон кенгаши ўртасида 2024–2026 йиллар учун қабул қилинган Ҳудудий жамоа келишуви ижроси юзасидан жамоатчилик назорати олиб бoрилиб, 2025 йилда тиббиёт муассасаларида ходимларга ойлик маошлар қандай тўлангани тўғрисидаги масала ўрганилди. Шу жараёнда айрим тиббиёт муассасаларида кўшимча устамалар қонунчилиқда белгиланган тартибда тўланмасдан келингани аниқланди.

ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

Натижада 2025 йил давомида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича меҳнат ҳуқуқ ва техник инспекторлари кўрсатмалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларда ишловчи 194 нафар ходимга сафар харажатлари учун 215 359 971 сўм, 132 нафар ходимга моддий ёрдамлар учун 194 000 000 сўм, 2415 нафар ходимга эса ҳар чораклик устамалар учун 1 452 311 411 сўм қайта ҳисоб-китоб қилиниб, иш берувчилар томонидан тўлаб берилди.

Бундан ташқари, йиллик меҳнат таътили кам берилгани сабабли 26 нафар ходим фойдасига 140 680 852 сўм ундирилди. 343 нафар ходимга жами қиймати 35 319 000 сўмлик махсус кийим-кечаклар олиб берилишига, 383 та иш ўрни аттестациядан ўтказилишига эришилди.

2024 йил 27 сентябрь куни Республика иктисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалида боғбон бўлиб ишловчи А.Калиев иш вақтида нарвондан йиқилиб, бахтсиз ҳодисага учрайди. Оқибатда II гуруҳ ногирони бўлиб қолади. Аммо иш берувчи жабрланувчига 2025 йил февраль ойигача ҳеч вақо тўламайди. Ёзма кўрсатма киритилиши натижасида А.Калиевга икки йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида 38 419 810 сўм тўлаб берилишига эришилди.

Пўлат АБДИЯЗОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси
Республика кенгашининг Қорақалпоғистон
бўйича меҳнат техник инспектори

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Бугунги кунда корхона ва ташкилотларда ишчи-ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, жамоа шартномаси меҳнат жамоаларида ижтимоий барқарорлиқни таъминловчи муҳим ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Жорий йилда Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаб уюшмаси тизимидаги 330 нафар ортиқ корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари бажарилишини муҳокама қилиш, шундан 100 дан ортиғида эса янги жамоа шартномаси лойиҳасини қабул қилиш режалаштирилган.

Амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жамоа шартномасига масъулият билан ёндашилган корхоналарда меҳнат унумдорлиги ошиб, ходимларнинг ишга қизиқиши ва фаоллиги ортиб, ишлаб чиқаришда юқори марраларга эришилмоқда.

Иш берувчи ва ходимлар ўртасида очиқ мулоқот

Учрашув

МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ЖАРИМА ЁКИ ТАҚИҚ ЭМАС

балки ҳар бир ходим уйига соғ-саломат қайтишини таъминлайдиган тизимдир

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари яқинда «Қуов механика заводи» АЖда бўлиб, ундаги иш жараёнлари билан танишдилар.

Бу йилги асосий мақсадларимиздан бири – оғир саноат зоналарида «Ноль даражадаги жароҳатланиш» (Vision Zero) концепциясини жорий этиш ва замонавий хавфсизлик стандартларини амалиётга татбиқ қилишдан иборат.

Заводда меҳнат муҳофазаси бўйича олиб бoрилаётган ишлар, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид йўриқномалар, ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар, умуман, соҳага оид янгиликлар диққат марказимизда бўлди.

Маълум бўлишича, заводдаги эскирган ускуналар 2025–2026 йилларга мўлжалланган модернизация дастури доирасида янгиланмоқда. Бу махсулот сифатини ошириш билан бир қаторда, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Ўзaro тажриба алмашиш давомида фақат технологиялар эмас,

балки хавфсизлик маданияти масаласи ҳам муҳокама қилинди. Шу асно завод мутахассислари ходимлар малакасини ошириш бўйича ўз методларини намойиш этдилар.

Бир нарсани унутмаслик керак: меҳнат муҳофазаси жарима ёки тақиқ эмас, балки ҳар бир ходим уйига соғ-саломат қайтишини таъминлайдиган тизимдир.

Учрашув якунида мутахассислар томонидан йил якунига қадар саноат корхоналари ўртасида меҳнат муҳофазаси бўйича база яратиш ва аудиторлик текширувларини (Кросс-аудит) йўлга қўйиш бўйича таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Ўзбекистон касаб
уюшмалари Федерацияси
Меҳнатни муҳофаза қилиш
бўлими мудири



УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Наманган шаҳридаги автомобиллар учун ёритиш қисмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик саноат зоналаридан бири – «Uz-Chasis» МЧЖда маърифий тадбир ташкил этилди. У Президентимизнинг Олий Мажлис ҳамда халқимизга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятига бағишланди.

Учрашувда фалсафа доктори Икромжон Солиев сўзга чиқиб, Мурожаатнома нафақат давлат бошқаруви ва иқтисодиёт соҳалари,

балки жамият ҳаётининг барча йўналишлари учун муҳим дастуриламал вазифасини ўташини таъкидлади.

– Мурожаатномада ил-

Фаолият

йўлга қўйилиб, мавжуд муаммолар келишув ва суҳбатлар орқали ҳал этилмоқда. Натижада меҳнат низолари камайиб, ижтимоий ҳамжиҳатлик таъминланмоқда.

Жамоа шартномаси талабларига амал қилиш нафақат меҳнаткашлар манфаатларини таъминлайди, балки корхонанинг узоқ муддатли иқтисодий ва ижтимоий истиқболини ҳам белгилаб беради. Иш берувчилар шуни инобатга олиб, унга корхона ривожини таъминловчи самарали бошқарув воситаси сифатида қарашлари лозим. Зеро, инсон қадр иустувор бўлган жамоада тараққиёт ва барқарорлик бўлади.

Ойбек ИСМОИЛОВ,

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаб уюшмаси
Республика кенгаши раиси ўринбосари

Муҳокама

гари сурилган ғоялар марказида инсон қадр ва унинг манфаатлари турибди. Хусусан, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитлари яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва адолат тамойилларини таъминлаш каби муҳим масалалар касаб уюшмалари зиммасига ҳам қатъи масъулият юклайди, – деди у.

Шунингдек, тадбирда Мурожаатномада белгиланган вазифаларни амалга оширишда жойлардаги касаб уюшмалари ташкилотларининг фаоллиги, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Корхонанинг касаб уюшмаси қўмитаси раиси Улғубек Қаримов эса, ушбу мулоқот аъзоларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни мамлакатда олиб бoрилаётган ислохотлар мазмуни билан яқиндан таништиришда айна муддао бўлганини айтиб ўтди.

Аҳмадали АҲМЕДОВ,
«Ўзметмашсаноат»
касаб уюшмаси
Наманган вилояти
кенгаши раиси

Йигирма ёки саксонда бўлмасин, ўрганишдан тўхтадими, одам кексайишни бошлайди. Ўрганишдан тўхтамаган одам ёшликни қўлдан чиқармайди. Ҳаётда энг муҳими ўзингни ёш деб билиш.

Ҳенри Форд

Бир мавзуда икки қараш

ҚАРИГАНДА ЎҚИШ ВА ИШНИНГ КЕРАГИ БОРМИ?

Ҳар бири ҳаёт мактаби

Одил ака 63 ёшида олий ўқув юртига ўқишга кирди. Сайёра 55 ёшида магистратурада таҳсил олишга аҳд қилди. Аввалига уларни кўпчилик тушунмади. «Қариганда ўқишнинг нима кераги бор? Контрактга тўлайдиган 50-60 миллион сўмни болаларига сарфласа бўл-майдимми?» дегувчилар топилди. Аммо улар бу гапларга эътибор беришмади. Аксинча, ёшликдаги орзулари амалга ошаётганидан қувонди.

Хусусий мактаб ташкил қилиш мақсадида елиб-югуриб юрган 67 яшар Комила опага, илмий ишга қўл урган 65 ёшли Фотима опага ҳавасим келади. Улар ҳаёт қадрини англаб етган, вақтини майда-чуйда нарсаларга эмас, балки хайрли ишларга сарфлашни маъқул кўришди.

Бир пайтлар 50 йилдан ортиқ таълим соҳасида ишлаган, 90 ёшдан ошган муаллимлар оиласи ҳақида мақола тайёрлагандим. 92 яшар оила соҳиби Комилжон ака инглиз тилини ўргана бошлабди. 91 ёшли Нукулжон опа эса қўшниларга рус тилини ўргатаркан. «Инсон узоқ умр кўриши учун ўз олдига мақсад қўйиши керак», деган эди ўшанда Нукулжон опа.

Кўрганларим ва атрофдагиларнинг уларга муносабати айрим фикрларни ўртага ташлашга ундади. Кўпчилик 50 ёшдан сўнг «энди кеч», деган ўйда орзуларидан воз кечади. «Мен эришмаган нарсаларга болаларим эришсин, бу ёйига улар учун яшайман», дегувчилар ҳам кўп.

Аслида «50 ёшдан кейин инсон ҳаётида пасайиш кузатилади», деган тасаввур нотўғри. Зеро, шу ёш кўп нарсани англаш ва янги тажрибалар палласи эканини даврининг ўзи кўрсатмоқда. Демак, 50, балки 60, 70, 80 ёш ҳам чегара эмас. Японларнинг узоқ умр кўриш сири уларнинг ҳаракатдан тўхтамасликларидадир.

Машҳур КФС асосчиси Харланд Сандерс ўз брендини 65 ёшида яратган ва у 90 йил умр кўрган. «Мозес буви» (Анна Мэри Робертсон) турмуш ўртоғининг ўлимидан сўнг расм чизишни бошлаган. Ўшанда у 67 ёшда бўлган. «Мозес буви» 101 йил умр кўрган. Лора Инглс Уайлдер ўзининг машҳур «Кичкина уй» номли илк романи чоп қилинганида 65 ёшда эди. Уайлдер кейинчалик кўплаб асарлар ёзди ва 90 йил умр кўрди. Бундай мисолларни яна истаганча келтириш мумкин.

Не бахтки, юртимизда 70-80 ёшида баракали ижод қилаётган, илм билан шуғулланаётган, мазмунли умр кечираётган инсонлар кўп. Шундай экан, биз «Элик бўлдинг, балли бўлдинг» каби стереотиплардан воз кечиб, завқ билан яшашни ўрганишимиз керак.

Умуман, ёши катта инсонларнинг жа-

миятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш долзарб аҳамиятга эга. Кейинги йилларда бу масалага давлат сиёсати даражасида қаралаётгани айни муддао бўлмоқда. Кексалар учун ташкил қилинаётган саёхатлар, «Уч авлод учрашувлари» каби тадбирлар нуруний отахону онахонлар ҳаётини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Айримлар сурункали касаллик, оилавий шароит туфайли уйдан қўчага чиқолмаяпти.

Муаммо кўпинча кекса инсоннинг ўзида эмас, балки атрофдагиларнинг унга муносабатида намоён бўлади. Агар ёши катта инсон фақат ёрдамга муҳтож, ижтимоий юк сифатида қабул қилинса, унинг ички салоҳияти, ташаббуси ва ижодий кучи сўниб қолади. Аслида эса уларнинг ҳар бири ҳаёт мактаби, тажриба ва донолик манбаидир. Ахир, «Қариси бор уйнинг париси бор», деб бежиз айтишмайди.

50-60 ёш оралигида ишдан бўшаган одамнинг янги иш топиши жуда қийин кечади. Боиси кўп жойларда 50 ёшдан ошган кишига «янгиликка ёпиқ», «техникадан узоқ» деб қаралади. Бу эса инсоннинг ўз-ўзига бўлган ишончини пасайтиради, ўзини кераксиздек сезади. Агар одам бирон-бир юмушга тўғри ёндашса ва сабр қилса, ҳар қандай ёшда янги билимларни ўзлаштириши мумкин. Бунинг учун шарт-шароит яратилса, имкон берилса, кифоя.

Тўғри, ёш ўтган сайин соғлиқ масаласи биринчи ўринга чиқади. Қон босими, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари, бўғим оғриқлари нафақат жисмоний, балки рухий зўриқшни ҳам кучайтиради.

Вақт ўтиб, болалар улғаяди, улар ҳам ўз оиласи, ўз ташвишлари билан яшай бошлайди. Ота-оналар ўзини иккинчи даражага тушиб қолгандек сезишади. Сўхбатдошлар камаяди, кўнгиноқлар сийрақлашади. Ёлғизлик эса инсонни ич-ичидан емириб, ҳаётга кизиқишни пасайтиради. Шу боис кексалар учун мулоқот муҳитини яратиш, клублар, турли тўғараклар ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш жуда муҳим.

Молиявий томон ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Нафақа кўп ҳолларда қундалик эҳтиёжларни тўлиқ қоплашга етмайди, қўшимча иш қилишга эса ҳамманинг ҳам им-

кони йўқ. Кексаларга мос, енгил меҳнат турларини тақлиф қилиш, уйдан туриб ишлаш имкониятларини яратиш, ижтимоий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бу борада ечим бўла олади.

Кўплаб инсонлар «Агар ўша пайтда бошқача қарор қилганимда эди», «Вақтни беҳуда ўтказдим» каби афсус-надоматлар билан ўзини қийнайди. Бу ўйлар йиғилиб боргани сайин ҳаётдан қониқмаслик, рухий чарчоқ кучаяди. Шунинг учун жамият кексаларни ўтмиш билан эмас, бу-гун ва эртанги кун билан яшашга ундаши, уларда янги мақсадлар қўйиш, ўзини керакли ва қадрли ҳис қилиш имкониятини шакллантириши лозим.

Келинг, шу ўринда 50 ёшдан ошганлар бошлаши мумкин бўлган 5 та муҳим масала ҳақида сўз юритсак:

- 1. Хорижий тилларни ўрганиш:** Олимлар фикрига қўра, 50 ёшдан кейин хорижий тилларни ўрганиш хотириани мустаҳкамлайди, деменция хавфини камайтиради ва мия фаоллигини ошади.
- 2. Янги касб ёки ҳунар ўрганиш** Ёшингиз нечада бўлишидан қатъи назар, билим ҳеч қачон эскирмайди. Компьютер саводхонлиги, бухгалтерия асослари, ошпазлик, тикувчилик, боғбонлик, гулчилик – бу касбларни ҳар қандай ёшда ўрганиш мумкин. Янги билим олиш орқали ўзингизни янгидан кашф қиласиз.
- 3. Соғлиққа жиддий эътибор бериш** Тўғри овқатланиш, мунтазам ҳаракат, вақтида тиббий кўриқдан ўтиш 50 ёшдан ошганларнинг қундалик одатига айланиши зарур. Йилда бир марта сиҳатгоҳларда даволаниш ёки саёҳат қилишни одатга айлантириш жоиз. Бу саломатликни мустаҳкамлаб, ҳаётдан завқ олиб яшашга қўмак беради.
- 4. Ижтимоий фаол бўлиш** Маҳалла ёки жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, ўз тажриба ва маҳоратини ёшларга ўргатиш орқали инсон жамиятга кераклигини ҳис этади. Бу эса рухий барқарорлик ва ҳаётга қизиқишни сақлаб қолишда жуда муҳим омилдир.
- 5. Ижодий қобилиятларни ривожлантириш** Расм чизиш, ёзиш, дизайн, қўл меҳнати билан шуғулланиш одамни руҳан тиклаштиради. Ижод инсонга ички тинчлик, ижобий кайфият ва ҳаётга муҳаббат бағишлайди. Балки сиз шедевр ижод қилол-массиз. Бу муҳим эмас, муҳими, ўз ишингиздан завқланиш.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Огоҳлик

трлн. сўмга етиб, умумий кредит портфелининг тахминан 4,1 фоизини ташкил қилган. Булар муддатидан кеч тўланадиган ёки тўлиқ тўланмай қолаётган кредитлардир. Уларга қарз «ботқоғи» сифатида қаралади.

МОЛИЯЧИЛАРНИНГ ОЛТИН ҚОЙДАЛАРИ

Кредит масаласида мутахассислар тавсиясига амал қилиш фойдадан холи бўлмайди. Хусусан, молия мутахассислари қуйидагиларни олтин қоида деб ҳисоблайдилар:

- 1. Аввало, кредит тўлови ойлик даромаднинг 30-35 фоизидан ошмаслиги керак. Агар ошса, бу – молиявий хавф!**
- 2. Истеъмол учун олинган қарз ўзини оқламайди. Чунки енгил машина, телефон, маиший техника қадрсизланади, кредитни эса белгиланган вақтда фоизи билан тўлашга тўғри келади.**
- 3. Қарз олишдан олдин ўзингизга «Мен бу қарзни тўлай оламанми?» деган савол беринг. Агар жавоб ишончли бўлмаса, қарз олишга шотилманг. Демокчимизки, қарз фаровон турмуш кечирингиз учун хизмат қилсин, аксинча бўлмасин. Яъни сиз қарз гирдобига тушиб қолманг.**

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

«ГАЗЕТАДА ИСМ-ФАМИЛИЯМ ЧИҚСА БЎЛДИ...»

- Қўл телефоним жиринглади.**
– Алло, эшитаман?
– Ассалому алайкум, бу «Ishonch» газетасими?
– Ҳа. Мен газета мухбириман.

– Мен эса талабаман, сизларга мақола бермоқчи эдим...
У ўзи ўқийдиган университет номини айтди. Кейин мақоласи тезроқ чиқиши кераклигини бот-бот такрорлади. Мен телеграм рақамимни бериб, мақолани электрон ҳолатда юборишини, тахрирлаб газетанинг почта манзилига ташлаб қўйишини айтдим. Лекин...

У юборган файлни очиб кўрдиму, ҳафсалам пир бўлди. Чунки талаба «минг машаққат билан» ёзганини айтган мақола интернет манбалари асосида тайёрланган бўлиб, муаллифнинг шахсий фикрлари деярли йўқ эди. Шу боис, унга мақола бундай ёзилмаслигини, бирор долзарб мавзу, гоё ёки муаммони батафсил ёритиб берувчи, таҳлилий элементларни ўз ичига олган бўлиши кераклигини ётиги билан тушунтирдим. Бу иши «плагиат» эканини ҳам яшириб ўтирмадим. Афсуски, унинг жавоби мени лол қолдирди:

– Опа, ҳуллас, домламиз бирор газетада исм-фамилиям чикса бўлди, деганди. Магистратурам учун керак бўлади. Илтимос, ёрдам беринг...

Газетачиликнинг машаққати, унга ижодкорлар қалб-кўрини бериши, айниқса, ҳар бир мақола журналист учун фарзандидек қадрли бўлиши, кўз нури тўкилишини ҳаёлимга келтирарканман, бу гаплар эриш туюлиб кетди. Камига магистратурада ўқишни ният қилган, илталаб ёшлардан экан. Агар у мустақил қадамларини мана шундай енгил йўллардан бошласа, кейинчалик ҳаётда дуч келадиган қийинчиликларни қандай енгиб ўтади?

Ҳа, сўнгги пайтларда талабалар ёки бирор ташкилотда ишлайдиган ходимлардан «Мазмунининг фарқи йўқ, номим чикса бўлди» қабилидаги гапларни тез-тез эшитаман. Соҳа вакиллари бўлмаган кишиларнинг газета-журналларни ҳисобот воситаси қилиб олганини сира ҳазм қилолмайман. Агар шу мажбурий бўладиган бўлса, озроқ меҳнат қилиб олқиш олсалар, нур устига нур бўларди.

...Икки кундан сўнг телефоним яна жиринглади. Қўтарган эдим, у томондан ҳовлиқан хитоб эшитилди:

– Опа, мақолам қачон чиқади?..

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Бугун қарз олишдан осон иш йўқ. Бир зумда онлайн тарзда кредит кўринишидаги қарзни оласиз–қўясиз. Лекин бу эртанги хотиржамликдан олинган қарз эканини ҳам унутманг.

Аслида қарз шошилиш даволаниш зарур бўлганда, тадбиркорликда янги иш бошлаганда, вақтинчалик қийин вазиятдан чиқишда ёки аниқ режа билан олинганда асқатади. Албатта, бундай ҳолатда қарз муаммога «малҳам» бўлади. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам борки, у одамни қарз ботқоғига тортиши ҳам мумкин. Қачонки, қарз юқори фоизларда кредит олиниб ёпилса, даромаддан ортиқча ҳаражат қилиб яшашга одатланилса ёки «ҳамма олаяпти» қабилида иш тутилса, қарз қарзни қақираверади. Унда хотиржамлик йўқолади, уйқу қочади, ҳақдорлар билан муносабатлар бузилади.

РАСМИЙ ФАКТЛАР НИМАНИ КЎРСАТАДИ?

Статистика маълумотларига қўра, 2024 йил 1 ноябрь ҳолатига Ўзбекистонда банклар томонидан фуқароларга берилган кредитлар салкам 172,8 трлн. сўмни ташкил этган. Бу кредитлар аввалги йилга нисбатан 20 фоизга ошганлигини кўрсатади. Бунда ипотека кредитлари – 38 фоиз, микрокредитлар – 23 фоиз, истеъмол кредитлари – 23,9 фоиз ва бизнесни ривожлантириш

учун кредитлар 11 фоизни ташкил этган, қолган қисми таълим учун ва бошқа кредитлардан иборат.

Марказий банкнинг маълум қилишича, фуқароларнинг қарз юки ойлик даромадга нисбатан 2024 йилда 34 фоизга етган. Бу аҳоли айни вақтда оладиган даромаднинг учдан бир қисми кредит тўловларига кетади дегани.

40 фоиз фуқаро ойлик даромадининг ярмидан кўпроғини қарз тўловига сарфламоқда. Қолаверса, 65

фоиз атрофидаги қарздорларнинг ипотека қарзи бўлиб, яъни даромаднинг кўп қисми қарз тўловига кетади ва яна 68 фоиз қарздорлар бир вақтнинг ўзида бир неча кредитга эга.

Бу кўрсаткичлар айрим аҳоли вакиллари учун қарз сезиларли даражада оғирлашганини кўрсатади.

2025 йилнинг 1 июнь ҳолатига қўра, Ўзбекистон банкларидаги муаммоли кредитлар миқдори 23,5

МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ БЕШИГИ

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган халқимиз.

«Баргамиз угун ҳам ота, ҳам она бўлган маҳаллага, шу асосда Ватан тақдирига дахлдорлик туй-гусининг юқорилиги ушбу институт аввало ижтимоий бирдамлик манбаи эканини кўрсатади», деди Президентимиз.



Маматқул ҲАЗРАТКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Бу фикрлар ёшлик йилларимни эсга солди. Менинг болалик, ўсмирлик даврим ўтган асрнинг 50-60-йилларида кечган. У пайтларда қишлоқларда одамлар ҳамма ишларни ўзаро бирлашиб, ҳашар йўли билан бажарар эди. Жамоа ишим, шахсий ишми – фарқи йўқ, ҳамма бир-лашарди, жам бўлиб қиларди. Ҳар йили кузда томлар янгидан суваларди (томларда шиферу тунукалар қаёқда дейсиз). Бутун қишлоқ аҳли йиғилиб, навбат билан уй-ларни суваб чиқарди. Бирон киши аввал менинг томимни сувайлик, демас эди. Қишлоқ оқсоқоли айтган рўйхат бўйича бўларди. Одамлар ўзаро ҳазил-ҳузулар, гурунглар билан ишлашар, ҳеч қандай манманлик, асабуззарлик, аразу гинахонлик йўқ эди. Томорқага ишлов беришми, картошка ёки бошқа экин экишми, бугдой ёхуд беда ўришми, узум ёки бошқа мева-ларни йиғиштиришми, хуллас, ҳаммаси са-миимият ва меҳр ила бажариларди. Ҳамма ўз ишини яхши биларди: ким том учун лой тай-ёрлайди, ким томини сувайди (андавачи), ким пахса уради, ким пахсачига белкурақда лойни узатади – барчаси тайин эди. Қишлоққа ташқаридан мардикор ҳам, уста ҳам кел-масди – ҳаммаси қишлоқнинг ўзида бўларди. Тўй ва бошқа маъракаларни-ку, қўявер-сиз. Ҳар ким тўй ёки таъзия ўзининг уйида бўлаётгандек, сидқидилдан бажарар эди. Шу қадар кучли, тартибли эди ҳамжihat-лик!

Бу ишларда болалар, хусусан, ўсмирлар ҳам фаол қатнашарди, уларга ўзига яраша иш бериладар, токи ёш йиғитга жисмо-ний жиҳатдан оғирлик қилмасин. Бу билан уларнинг кўзи пишиб борар, иш ўргана-р, энг асосийси, ўзаро муомалаларни куза-

тар, кўпнинг ичида ўзини қандай тутишни, юриш-туришни, катталарни ҳурмат, ки-чикларни иззат қилишни ўргана-р эди. Бу-лар ўзига хос ҳаёт мактаби бўлиб, ёшлар-нинг келажаги учун муҳим аҳамиятга эга эди. Давра кўрган, деган таърифу баҳо-ларга сазовор бўлишнинг илдизи, асоси ана шу-лар. Нурунийлар ёшларга бирон ишни бу-юрса, қулоғини қимирлатмай бажарарди. У одам қариндошми, бегонами – фарқи йўқ, қишлоқдоши бўлса, бас. Бирон болага кимдир танбех берса, ўша бола «Хўп!» деб, ўша ноҳўя ишини бошқа тақдорламас эди. Боланинг ота-онаси ҳам танбех берган ки-шига эътироз билдирмасди. Бола бола-да, шўхлик қилади, ўйнайди ва шу аснода гоҳи ноҳўя ишлар қилиб қўяди. Бироқ улар доимо катталар кўриб қолмасин, деган ан-дишани унутмас эди. Дейлик, кўчада ланка тепаялтими, кураш тушаялтими ёки ко-пток ўйналтими узокдан ёши улуг киши кўринса, ўйинини тўхтатиб, у кишининг ўтиб кетишини кутар ва албатта ҳаммаси бир овоздан салом бера-р эди. Бир болага етти маҳалла ота-она, деган гапнинг, Пре-зидентимизнинг «барчамиз учун ҳам ота, ҳам она бўлган маҳалла» деган фикрлари нақадар теран маъно-мазмунга эга экани-нинг исботи булар.

Бу мисоллар фақат қишлоқларга хос эмас, шаҳарлар маҳаллаларида ҳам ана шун-дай олижаноб муҳит мавжуд эди. Маҳаллада бирон бегона одам пайдо бўлса ҳамма дар-ров пайқар, сўраб-суриштирар эди. Бундай одат маҳалла тинчлиги ва хотиржамлигида муҳим омиллардан бири эди. «Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо со-диқ қолишимиз, ёш авлодимизни аини шу руҳда тарбиялашимиз керак», деб таъкид-лади давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида.

Дарҳақиқат, қадриятларимизни ну-титишга ҳақимиз йўқ, аксинча, уларни ўр-ғанишимиз, ўзлаштиришимиз, давом эттири-шимиз, асл мақсадини бузмаган, ўзгарти-рмаган ҳолда замон талабидан келиб чиқиб тўлдиришимиз, бойитишимиз керак.

Миллатимизга хос бўлган маҳалла тузу-мининг илдизи узок тарихларга бориб та-калади. Энг муҳими, сиёсату салтанатлар ўз-гарса-да, бу тизим даврлар оша яшаб кел-моқда. Чунки маҳалла тартиб-қондалари миллий менталитетимизга мос. Халқимиз азал-азалдан уюшқонлики, ҳар бир ишни бамаслаҳат қилишни, яхши-ёмон қуларда бир-бирга елкадош бўлишни хуш кўрган, одатланган. Маслаҳатли тўй тарқамас, де-ган мақол осмондан тушмаган, йиллар, ас-рлар давомида шаклланган савй-ҳаракат-ларнинг хулосасидир. Амир Темур, Бобур

Мирзо каби улуг боболаримиз замонида ҳам маҳалла тизими бўлган, ўша буюк аждодла-римиз бошқарувнинг бу шаклига алоҳида эътибор қаратганлар. Заҳириддин Муҳам-мад Бобур «Бобурнома»да «маҳалла» атама-сини маъмурий-худудий бошқарувнинг энг қўйи қисмини билдирувчи тушунча сифа-тида ишлатган.

Бу фикрлардан аён бўладики, Прези-дентимизнинг 2026 йилни мамлакатим-изда «Маҳаллани ривожлантириш ва жа-миятни юксалтириш йили» деб аташ бўй-ича айтган таклифи замирида ниҳоятда теран маъно мужассам. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятини бо-шлаган дастлабки йилларда маҳалла ин-ститутига алоҳида аҳамият бера бошла-ган эди. Аслида мазкур тизимга эътибори у киши ҳали мамлакатимиз бош вазири лавозимига ишлаган йилларда бошлан-ган эди, десак хато бўлмайди. Винобарин, Шавкат Мирзиёев ўзининг ижтимоий фа-олиятини бошқарувнинг қўйи поғонала-ридан бошлагани (туман ҳокими) боис аҳолини бирлаштиришда, маҳалладаги ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини аниқлашда, катта-кичик турли муаммоларни ҳал этишда, одамлар ўрта-сида ўзаро меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат туй-ғуларини қучайтиришда, бошига ташвиш тушган оилалар ва кимсаларга кўмак бе-ришда, бир сўз билан айтганда, худудда тинч-осойишта муҳитни барқарор қи-лишда маҳалланинг ўрни ва мавқеи ниҳо-ятда катта эканини яхши билади. Шу боис маҳаллалар мавқеини, нуфузини ошириш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинди, маҳаллалар ваколати кенгайтирилди, улар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўл-лаб-қувватланмоқда. Маҳаллани ривож-лантириш ва жамиятни юксалтириш йили муносабати билан қабул қилинади-ган давлат дастурида бу борада ниҳоятда бекиёс ишлар амалга оширилиши Муро-жаатномада таъкидлаб ўтилди. Маҳалла-ларни меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, адо-лат ва тарбия масканига айлантиришга алоҳида эътибор берилиши қайд этилди.

Маҳаллалар босқичма-босқич ривож-лантирилади. Бунинг учун ҳар бир вилоятда икки-учта туман танлаб олинади ва улар-даги ҳамма маҳаллада барча муаммоларни бир вақтнинг ўзига ҳал қиладиган тизим яратилади. «Бу янги тажрибани Ургут ту-манидан бошладик», – деди давлатимиз ра-ҳбари. – Туманда 100 минг аҳолига мўлжал-ланган замонавий экошаҳар барпо этилади. Келгуси йил 544 миллиард сўм ажратилиб, 72 боғча, мактаб, поликлиника, шунингдек, ички йўллар қурилади ва таъмирланади, ка-

наллар бетон билан қопланади, иккита сел-сув омбори барпо этилади».

Бу гапларни эшитиб, газетада қай-та-қайта ўқиб, Ургут фарзанди сифатида бе-ниҳоя тўлкинланиб кетдим. Бўлажак бунёд-корлик ишларини ҳаёлан тасаввур қилдим ва тумандошларим, айниқса, ёшлар ва хо-тин-қизлар учун катта имконият ва замона-вий шароитлар яратилишидан ич-ичимдан суюндим. Айни чоғда туманимиз аҳолиси бошидан кечирган машаққатлар, хусусан, тамаки азоби ва захридан чеккан заҳматлар кўз олдимдан ўтди. Ўша оғир кунлар ортда қолганига шукроналар келтирдим.

Ҳа, маҳаллага эътибор, уни ривожлан-тириш бўйича қилинаётган ишларнинг, ажратилаётган маблағларнинг салмоғи ниҳоятда улкан, кўп. Буларнинг бари одамларнинг турмуши фаровон бўлиши, тинч-тотув яшашини таъминлаш каби эзгу ниятларда қилинмоқда. Аммо шу жа-раёнда галати бир ҳолат рўй бермоқдаки, ундан ҳам кўз юма олмаймиз. Яъни, тур-муш шароитимиз яхшилангани сари одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат ор-тичи, мустаҳкамланиши ўрнига сусайиб бораётганга ўхшайди. Уйларимиз кенгай-гани сайин феълимиз торайиб кетаётган-дай. Ҳолқуби, бугунги алғов-далғовли за-монда нафақат маҳалладошлар ёки ту-мандошлар, балки бутун халқимиз янада бирлашмоғи, жишлашмоғи ҳар қачон-гидан кўра муҳим аҳамиятга эга. Муро-жаатномада таъкидланганидек, «Мил-лати, тили ва динидан қатъи назар, бут-ун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуг бир гоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфа-ати, халқимиз манфаатидир». Ёшларимиз онгу шуурига ана шу улуг гоини сингди-риш – давр талаби. Бунинг учун ҳеч ким бефарқ, лоқайд бўлмаслиги лозим. Ай-тайлик, бир боланинг ноҳўя ҳаракатини кўрдикми, уни тартибга қачқиримиз за-рур, бу менинг болам эмас-ку, менга нима, деб қараш миллатимизнинг асл қадрият-ларига тўғри келмайди. Битта боланинг ноҳўя иши эртага бошқа болаларга ҳам «юқмаслигига» ким қафолат беради? Зо-тан, бола қизиқувчан бўлади. Демак, бола-ларни тартибга олиш учун аввало, ўзимиз тартибга ва қўйинчак бўлмоғимиз керак.

Демак, маҳаллани меҳр-оқибат, ҳам-жихатлик, адолат ва тарбия масканига ай-лантириш – ҳар биримизнинг, ҳаммамиз-нинг бурчимиз, энг долзарб вазифалари-миздан бири. Эро, маҳалла халқимиз учун азал-азалдан тарбия бешиги бўлиб келган. Ана шу «бешик»ни асраб-авайлайлик, ун-дан унумли, самарали фойдаланайлик, за-монавий тус берайлик, илгор техника ва технологияларни жорий этиайлик, фақат асл илдимизини унутмайлик. Токи маҳалла деган тарбия бешигимиз ўзининг бош ва-зифасини тўла-тўқис адо этсин. Акс ҳолда, кўп нарсани йўқотиб қўйишимиз мумкин. Кейинги афсус ва надоматлардан, пушай-монлардан фойда йўқ.

Фахр

ЗАМОНЛАР ОША САЁҲАТ

Ислом цивилизацияси маркази экспозиция залларидаги таассурот

Яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча давлат музей-лари раҳбарлари иштирокида ил-мий-амалий семинар ўтказилди.

Анжуман давомида давлат музей-ларида амалга оширилган замо-навий тажрибалар, шунингдек, келгусида жорий этилиши режалашти-рилган илгор музейшунослик амали-ётлари муҳокама қилиниб, соҳани ривожлантиришга доир устувор вазифа-лар белгилаб олинди.

Тадбир доирасида музей раҳбар-лари Тошкент шаҳрида жойлашган бир қатор музейларга бориб, музей-шунослик соҳасида амалга оширил-ган сўнгги илмий ва экспозицион янгиликлар билан танишдик.

Менга маъқул бўлгани ва катта таас-сурот қолдирган Ислом цивилизация-си маркази экспозиция заллари бўлди.

Илмий концепция асосида, давр ва макон тамойилига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу масканда Оролбўйи ҳу-дудида жойлашган тарихий-археоло-гик ёдгорликлар ҳамда улардан топил-ган ашёвий далилларнинг макет ва ви-зуал реконструкциялар орқали тақдим этилгани, айниқса, менда катта ифти-хор уйғотди.

Хусусан, Султон Увайс тоғ тизмалари худудидан топилган қадимий каллак на-мунаси, шунингдек, Акшахонқалъа ёд-горлигининг экспозицияда акс этирил-гани давр ва макон контекстида тари-хий меросни талқин этишга қаратилган замонавий музейшунослик ёндашувла-рининг ифодаси, деяр қабул қилдик.

Экспозиция залларида қорақалпоқ халқ амалий санъати намуналарининг

жой олиши эса томошабинда миллий маданиятлар ўртасидаги ўзаро боглиқ-лик ва ягона маънавий макон ҳақида мукаммал тасаввур шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур се-минар ва музейлар бўйлаб амалга оширилган илмий-маърифий саёҳат иштирокчиларда нафақат касбий та-даассурот, балки музейшунослик соҳа-сида масъулият ва келгусидаги вазифа-ларни англаш заруриятини ҳам юзга келтирди.

Бу каби тадбирлар миллий музей-лар фаолиятини янада тақомиллашти-риш ва уларни халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишда муҳим аҳа-миятга эга.

Айжамал ЮСУПОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
тарихи ва маданияти давлат
музейи директори



Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Нуриддин Ҳамроқулов ижросида

«ДЎСТЛАР»
ҚЎШИҒИ

Оламни сақланг, дўстлар,
Одамни сақланг, дўстлар!
Она тилидан тушмас:
Боламни сақланг, дўстлар!



MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shohqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-98-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Salim ABDURAHMONOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21:00

Toshkent – 20:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan
sifati chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilashrtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 382 ta

Shundan: 6 788 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 415 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 179 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq. **Buyurtma: G-111**

1 2 3 4 5 6

Эҳтиром

Ёзувчилар уюшмасида
таниқли журналист,
ёзувчи ва драматург
Тўлқин Қозоқбоев та-
баррук ёшга тўлиши
муносабати билан
адабий кеча
бўлиб ўтди.
Тадбирда шо-
ир-ёзувчилар,
адибнинг шо-
гирдлари, яқин-
лари ва жамоат-
чилик фаоллари
иштирок этишди.



КАТТА ҚАЛБ ЭГАСИ

1991 йил «Ishonch» газетасини ташкил
этишда жонбозлик кўрсатган ва нашрнинг
биринчи бош муҳаррири бўлган ижодкор –
Тўлқин Қозоқбоев 85 ёшга тўлди

Ўзбек журналистикаси та-рихида ўз мактабини яратган Тўлқин Қозоқ-боев «Гулхан» журна-ли, «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Ёшлар овози»), «Тошкент оқшони» – «Вечерний Ташкент», «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газете-лари каби қатор нашрларга раҳбарлик қилган. Долзарб, жа-мият ҳаётига дахлдор чиқиш-лари билан эл назарига туш-ган. Ҳозир ҳам публицистик мақолалари билан матбуотда фаол бўлишга ҳаракат қилади. Ўзинг журналист, айниқса, «Ishonch»да ўтказган даврла-рини алоҳида эҳтиром билан тилга олади. Касаба уюшмала-рини, унинг нафақат ишчи-хо-димлар, балки бутун халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу амалларини бира-бир санайди.

– 1991 йил бошлари эди. Янги ташкил этилган, ҳали ном қўйилмаган газетга бош муҳаррир этиб тайинлашди, – деб хотирлайди Тўлқин Қозоқ-боев. – Кўп ўйлаб, «Ishonch» деб атадик ва нишона сонини 30 минг нусха қилиб белги-ладик. Ўзим билган, таниган яхши журналистларга бира-ма-бир кўнгиروق қилиб, ишга таклиф қилдим. Касаба уюш-малари ҳаётини ёритдик, фи-дойи касабاقўмлар фаолияти ҳақида очерклар бердик. Тўрт йил ичида унинг ададини 140 минг нусхага етказдик. Ҳа-ли-ҳамон газета қадрдоним. Ҳар бир сонини ўқиб, кузатиб бораман.

Тадбирда Республика «Ну-руний» жамғармаси раиси Ўринбосари Шароф Убайду-лаев, журналистлар Шўҳрат Жабборов, Сирожиiddin Рау-пов, Хусан Эрматов, Муҳаббат Ҳамидова ва бошқалар сўзга чиқишди. Улар Тўлқин Қозоқ-боевнинг самимийлиги, тўғри-сўзлиги ва ҳаммага бирдек адолатли бўлганини таъкид-лашди.

– Бир куни қизлар билан Тўлқин ака раҳбар бўлган «Гул-хан» журна-ли тарафга чиқдик, – дейди «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири Феруза Оди-лова. У пайтлар мен ҳам мух-бир бўлиб ишлардим. Хона-ларнинг бирида иккита шкаф бўлиб, уларнинг ойнаси бор экан. Қизлар унга бирин-кетин қараб, «Қандай яхши, сизлар-нинг ойнали шкафларингиз

Зебо НАМОЗОВА

«ISHONCH»

Эъзоза УМУРЗОҚОВА

отган сура-тлар

